

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**509 Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/3-сонли қарори (рўйхат рақами 1545, 2006 йил 14 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 48-модда) билан тасдиқланган Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 24 сентябрь,  
29/2-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил  
24 сентябрдаги 29/2-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг «5» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«5) электрон тўлов ҳужжати (кейинги ўринларда — ЭТХ) — тўлов тизимининг қоидалари билан белгиланган таркиб ва форматдаги реквизитларига эга бўлган ҳамда электрон тўловни амалга ошириш учун зарур ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатдир. Электрон тўлов ҳужжати пул-ҳисоб-китобга доир қоғоз ҳужжат асосида ёки электрон тўлов воситасидан

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*

фойдаланган ҳолда тузилади ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланади. Электрон тўлов ҳужжати билан ишлашда уни электрон тўловни амалга ошириш учун зарур реквизитларни сақлаган ҳолда қоғозда такрорлаш имконияти таъминланиши керак;».

2. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказини банклараро тўлов тизимига уланиши учун банк Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказининг номи ва манзилни кўрсатган ҳолда хат билан Марказий банкнинг Тўлов тизими ва ахборот технологиялари департаментига (кейинги ўринларда — МБ ТТАТД) мурожаат қилади. Мазкур хатга асосан МБ ТТАТД банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказини банклараро тўлов тизимига улаш ҳамда унинг филиалларининг вакиллик ҳисобварақларидаги қолдиқларини ўтказиш тартибини белгилайди.».

3. 15-бандда:

«1» кичик бандидаги «Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти МБ ТТАДга» деган сўзлар «Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаменти МБ ТТАДга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«2» кичик бандидаги «МБ ТТАДнинг» ва «МБ ТТАДга» деган сўзлар тегишинча «МБ ТТАДнинг» ва «МБ ТТАДга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«5» кичик бандидаги «Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаментининг» ва «МБ ТТАД» деган сўзлар тегишинча «Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаментининг» ва «МБ ТТАД» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 16-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «МБ ТТАДга» деган сўзлар «МБ ТТАДга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «МБ ТТАД» деган сўзлар «МБ ТТАД» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 21-банддаги «Соат 8-00 дан 16-00 гача» деган сўзлар «Соат 8-00 дан 17-00 гача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 22-банддаги «Соат 9-00 дан 16-00 гача» деган сўзлар «Соат 9-00 дан 17-00 гача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 23-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. 26-банддаги «дискеталарда» деган сўз «электрон ахборот ташувчи жисмларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.